

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

13 у.г. "30" декабр № 1561-К. Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Собиров Диёрга оҳак ишлаб
чиқариш цехи қуриш учун ер майдони
қайтариш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 188-сонли шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид қилмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш тартиб-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 20 декабрдаги 188-сонли баённомаси, Давлат геологик экспертизасининг 2013 йил 23 декабрдаги 1233 сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини ҳамда фуқаро Собиров Диёрнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 20 декабрдаги 188-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси асдиқлансин.
2. Фуқаро Собиров Диёрга оҳак ишлаб чиқариш цехи қуриш учун МЧ "Мотрит-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 152 контуридан жами 0,40 га (шундан: 0,40 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони қайтарилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Солиев)га топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев